

## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИСТИК САЛОХИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ

**Махмудов Собир Худойбердиевич**

*Самарқанд тиббиёт институти «Ижтимоий ва гуманитар фанлар» кафедрасининг ўқитувчиси  
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри*

---

### **ARTICLE INFO.**

**Калит сўзлар:**

Турист, туристик обьект, туристик ресурс, самарадорлик, туристик инфратузилма, даромад, бандлик, аҳоли турмуш даражаси, туристик хизмат, инвестиция, ракобат, туристик салоҳият, модернизация, диверсификация.

---

### **Аннотация**

Маколада тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуулларини такомиллаштириш зарурияти асослаб берилган, унинг бир неча усууллари келтирилган. Шунингдек, маколада тарихий-маданий туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниклаш усули ишлаб чиқилган ва таҳлил килиб кўрсатилган. Унинг ўзига хос жиҳатлари, афзалликлари тушунтириб берилган.

### **Кириш**

Туризмнинг тез суръатлар билан ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бирига айланиши умум жаҳон тенденцияси ҳисобланади. Туризм соҳасига нисбатан тобора ортиб бораётган эътибор ва эътиқод нафақат унинг юқори ўсиш суръатларини намойиш этаётганлиги, балки ушбу соҳанинг иқтисодиёт бошқа соҳа ва тармоқларининг амал қилишига кучли таъсир кўрсатиши, яъни мультиплекатив самара бера олиш қобилияти билан белгиланади. Шу сабабли хар қандай мамлакат мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиб, туризм соҳасини жадал ривожлантиришга интилади. Ўзбекистон хам туризмни ривожлантириш ва ундан салмоқли ижтимоий-иқтисодий самара олиш учун улкан имкониятларга эгадир. Унинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари бутун дунёга машҳурdir. Туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи ва маданияти асосий роль ўйнайди. Ўзбекистонда табиат иқлим шароитлари қишин ёзин саёҳатчиларни қабул қилиш имкониятини беради. Жаҳон мамлакатлари қаторида Ўзбекистон хам ўзининг узоқ ўтмишига ва бетакрор бой табиатига эга. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи халқимизнинг жаҳон илми ва маданияти ҳазинасига муносиб хисса кўшган бутун оламга машҳур буюк алломаларимиз – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал – Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа юзлаб бобо ва бобокалонларимиз билан қанча фахрланса арзийди. Демак, Ўзбекистон ташки туризмни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга ва шу

туфайли юқори рақобатбардошликни таъминлашга қодир бўлган мамлакатлар қаторига киради. Бу, ўз навбатида, мамлакатда мавжуд улкан туристик салоҳиятни ишга солишни ва ундан мамлакат тараиёти йўлида самарали фойдаланишни тақозо этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм индустрясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш чоралари белгиланган<sup>1</sup>. Шунингдек, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясига асосан аниқ чора-тадбирлар дастури хам ишлаб чиқилган<sup>2</sup>.

Мазкур Концепциянинг таркибий қисми ҳисобланган тарихий-маданий туризмни ривожлантириш мамлакатимиз бой тарихий-маданий ресурслари салоҳиятидан моҳирона ва самарали фойдаланиш, тарихий ва маданий меросни асраб-авайлаш, ва муҳофаза қилишни назарда тутади. Туризм салоҳиятини билмай туриб, туристик обьектларнинг потенциал имкониятларини тарихий-маданий туризмни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган хулосалар ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишимиз, тўғри қарорлар қабул қилишимиз мумкин эмас. Тарихий-маданий туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашиш, замонавий сайёхлик инфратузилмаси обьектларини шакллантириш, ҳудудлардаги мавжуд салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири хисобланади. Шу сабабли туризмнинг, жумладан тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш муҳим ахамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Кейинги йилларда туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бироқ, туризм ва туристик салоҳият тўғрисида кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, унинг омилли таҳлили хусусида тизимли илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Тарихий-маданий обьектлар, маънавий мерос бойликлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ҳақида гап кетганда, улар ўзига хос хусусиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Чунки тарихий, маданий ва маънавий бойликлар авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади, у турли давр ва цивилизацияга дахлдор бўлиб, буғунги авлод эҳтиёжларини қондиради, туристларда ноёб, бетакрор, муҳташам меъморий обидалар ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этиб, уларга ўша даврдаги одамлар ҳаёти, урф-одатлари, маданияти ва дини ҳақида ҳикоя қиласди.<sup>3</sup> Чунки улар узоқ йиллар бир қанча авлодларнинг машақатли меҳнати эвазига шаклланган. Тарихий-маданий обьектлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда бир қанча омилларни ҳисобга олиш лозим. Шу сабабли тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашнинг умум эътироф этилган ягона усули йўқ. Тадқиқотчилар томонидан туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича айрим усууллар таклиф қилинган. Масалан, иқтисодчи Ю.О.Тхамитлокова туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда қуйидаги мезонлардан фойдаланишни таклиф қилган<sup>4</sup>:

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» 4947-сон Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги пф-5611-сон Фармони

<sup>3</sup> Мухаммедов М.М. Экономические реформы в Узбекистане. Опыт и перспективы роста. <https://www.morebooks.de/store/gb/book>.

<sup>4</sup> Тхамитлокова Ю.О. Ресурсный потенциал туристско-рекреационной сферы: формирование, оценка и инструменты развития. 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (рекреация и туризм) АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Нальчик – 2017.

Биринчиси, тарихий-маданий объектларда ишловчи ходимларнинг салоҳият даражаси. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{омх} = \frac{O_{mx}}{\sum X} \times 100\% \quad (1)$$

Бунда;

Томх- тарихий-маданий объектни олий маълумотли ходимлар билан таъминланганлик даражаси;

Омх- тарихий-маданий объектда олий маълумотли ходимлар сони;

$\sum X$ - тарихий-маданий объектдаги жами ходимлар сони.

Иккинчиси, тарихий-маданий объектларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{ўм} = \frac{T_{ўзмх}}{\sum Mm} \times 100\% \quad (2)$$

Бунда;

Тўм - тарихий-маданий объектнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси;

Тўзмх - тарихий-маданий объектнинг ўз молиявий маблағлар ҳажми;

$\sum Mm$  - тарихий-маданий объектнинг жами молиявий маблағлар ҳажми;

Учинчиси, ахборотлар билан таъминланганлик даражаси (маркетинг тадқиқотлари ҳолати, соҳа тўғрисидаги энг муҳим ва қизиқ маълумотлар).

Тарихий-маданий туризм объектларидаги ишловчилар таркибида олий маълумотли кадрлар қанча кўп бўлса, туристларга шунча сифатли хизмат кўрсатиш кафолатланади. Шунингдек, туризм тармоғи моддий-техник базаси энг сўнги технологиялар билан жиҳозланган бўлса, туристларга сифатли хизматлар таъминланади. Агар туризм тармоғида етарли даражада олий маълумотли кадрлар бўлмаса ёки уларнинг моддий-техник базаси, масалан, туристларни ташувчи замонавий транспорт воситаларига эга бўлмаса, алоқа хизматларидан фойдаланишнинг имкони бўлмаса, тарихий-маданий туризм салоҳияти қанчалик юқори бўлмасин, ундан фойдаланиш самарадорлиги барибир юқори бўлмайди. Иқтисодчи Ю.О.Тхамитлокованинг туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг учинчи мезони эътирофга лойик. Чунки, турист нуқтаи назаридан тарихий-маданий туризм обьекти ҳакида қанчалик қизиқ ва муҳим ахборотлар мавжуд бўлса, шунча кўп туристларни жалб этиш имкони пайдо бўлади, ташриф муддатлари ҳам ортади. Шу нуқтаи назардан қаралганда иқтисодчининг тарихий-маданий туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича берган тавсиялари дикқатга сазовор.

Е.Н.Карчевская эса тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда туристик ҳудуднинг тарихий-маданий туристик ресурслар билан тўйинганлик даражасини ҳисоблашни тавсия этган. У ҳудуднинг туристик ресурслар билан тўйинганлик даражасини ҳисоблашда қуйидаги формулани қўллаган:

$$J_{мад-тар} = D^0 K_i J V_j \quad (1)^5$$

Бунда

$J_{мад-тар}$  - маъмурий ҳудуднинг маданий-тарихий ресурслар билан тўйинганлик даражаси;

<sup>5</sup> Карчевская Е.Н. Развитие туристическая рекреационной деятельности в экологически проблемном регионе (по примеры Томельской области)// Пековский региональный журнал.№7.-Пеков:ПП.110-117 стр

K<sub>iJ</sub>- маъмурий худуднинг J турдаги маданий–тариҳий ресурслар билан тўйинганлик даражаси коэффициенти кўрсаткичи;

V<sub>j</sub> - кўрсаткичнинг вазн коэффициенти.

Бизнинг назаримизда, ушбу кўрсаткичнинг афзаллиги шундаки, у минтақанинг алоҳида ҳудудларида жойлашган тариҳий-маданий обьектлар билан тўйинганлик даражасига қараб уларни дифференциялаш имконини беради. Демак, ушбу ёндашувдан фойдаланилганда, алоҳида ҳудудларда жойлашган обьектларни ўзаро таққослаш йўли билан келажакда уларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган, тўғри қарорлар қабул қилиш мумкин бўлади.

### Тадқиқот методологияси

Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида қиёслаш, тизимли таҳлил, тавсифийлик, тариҳий-қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган. Изланиш муаммоларини ҳал қилишда Жаҳон Туризми Ташкилоти (ЖТТ), Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, Самарқанд вилояти Маданият бошкармаси, шунингдек, муаллифнинг маҳсус изланишлари, шахсий кузатувлар жараёнида тўпланган маълумотлар асос бўлиб хизмат қиласди.

### Таҳлил ва натижалар

Ўтказилган таҳлиллар натижасида Самарқанд вилоятидаги тариҳий-маданий ёдгорликларнинг бир квадрат метр майдонига қанча туристлар тўғри келиши аниқланди (1-жадвал). Жумладан, таҳлиллар Регистон ансамблининг 45 квадрат метр майдонига, Гўр Амир мақбарасининг 2 квадрат метр майдонига, Улуғбек расадхонасининг 27,6 квадрат метр майдонига, Бибихоним мақбарасининг 3,0 квадрат метр майдонига битта турист тўғри келишини кўрсатди. Ваҳоланки, туризм ривожланган мамлакатлар тариҳий-маданий ёдгорликларининг ҳар бир квадрат метрига 2-5 нафар турист, баъзи жойларда эса 13 нафаргача туристлар тўғри келади. Мексика мамлакатидаги «Сокало тариҳий жой» ёдгорлигидаги 0,2 метр квадрат майдонига бир нафар турист тўғри келган<sup>6</sup>. Болгария Республикасидаги «Александр Невскийнинг ибодат хонаси»да бир кунда 6328 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, 0,5 метр квадрат жойга бир нафар сайёҳ тўғри келган<sup>7</sup>. Камбоджа давлатида «Ангкор-Ват ибодатхонаси» 200,0 метр квадрат майдонни эгаллаган бўлиб, бир кунда 2767 нафар турист ташриф буюрган, 0,1 метр квадрат жойга бир нафар турист тўғри келади<sup>8</sup>.

Шунингдек, ҳудуд ва туристик обьектнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ҳудудга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сонини ушбу ҳудуд жами аҳолиси сонига нисбати билан ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, 2019 йилда Самарқанд вилоятининг аҳолисининг ҳар бир нафарига хорижий сайёҳларнинг қарийб 11 нафари, Австрия, Испания, Гонконг мамлакатларининг ҳар бир аҳолисига иккита сайёҳ тўғри келган. Андорра мамлакатининг аҳолисининг ҳар 100 нафарига ҳар йили 5 минг нафар сайёҳ, Буюк Британиянинг Виржиния оролидаги ҳар бир аҳолисига 10 минг сайёҳ тўғри келади<sup>9</sup>. Агар ҳудудга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сони ушбу ҳудуддаги доимий аҳоли сонига қанчалик кам тўғри келса, ҳудуддаги туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги шунча пастлигидан далолат беради.

Тариҳий-маданий туризм обьектлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги туристлар ташрифининг мавсумийлик омилига ҳам узвий боғлиқ. Туризм имкониятларидан тўлиқ

<sup>6</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki> (мурожаат килинган сана 14.04.2020 йил)

<sup>7</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/> (мурожаат килинган сана 17.03.2020 йил)

<sup>8</sup> <https://putidorogi-nn.ru/100-chudes-sveta/78-angkor-vat> (мурожаат килинган сана 14.04.2020 йил)

<sup>9</sup> Тагаев Б.А. Туристик салоҳият ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболлари (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод ва молия №5. 2015 йил. (мурожаат килинган сана 24.02.2020 йил. <https://cyberleninka.ru/article/n/turistik-salo-iyat-va-uning-imkoniyatlaridan-samarali-foydalananish-isti-bollari-toshkent-viloyati-misolida/viewer>).

фойдаланишда табиатнинг ўрни жуда катта. Табиат Ўзбекистонни жуда қулай табиий шароитлар билан сийлагани туризмнинг барча турларини йил давомида амалга ошириш имкониятларини беради. Бироқ тадқиқотлар бизнинг юртимизда табиат инъом этган имкониятлардан хали самарали фойдаланилмаётгандарини кўрсатди. Ўтказилган таҳлиллар натижалари Самарқанд вилоятига сайёхлар асосан баҳор ва куз ойларида ташриф буоришларини кўрсатди, жумладан хорижий сайёхларнинг 66,0 фоизи баҳор ойларига, 33 фоизи - куз ойларига, атиги 1,0 фоизи - ёз ва қиши ойларида ташриф буоришларини кўрсатди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий ёдгорликларни ҳар бир квадрат метрига икки нафардан турист тўғри келганда, тарихий-маданий ёдгорликлар туристларга хизмат кўрсатиш имконияти бир неча баробар ошади. Жумладан, Регистон ансамбли бир кунда 89,2 мартадан ортиқ туристларни, Гўр Амир мақбараси 3,4 мартадан ортиқ, Улугбек расадхонаси 55,2 мартадан ортиқ, Бибихоним мақбараси эса 5,4 мартадан ортиқ туристларни қамраб олиш ва хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниклашда куйидаги ёндашувлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

- обьектга ташриф буюрган туристлар хакикий сонини ушбу обьектнинг туристларни қабул қилиш имкониятлари билан таққослаш;
- тарихий-маданий ёдгорликлар майдонига тўғри келадиган туристлар сони;
- туристларнинг мавсумий ташрифлари;
- аҳоли сонига тўғри келадиган туристлар сони;
- сайёхлик компаниялар сони ва фаолияти хамда туристларнинг саёҳатда бўлиш муддатлари давомийлиги.

### **Фойдаланилган адабаиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги» 4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги пф-5611-сон Фармони
3. Тхамитлокова Ю.О. Ресурсный потенциал туристско-рекреационной сферы: формирование, оценка и инструменты развития. 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (рекреация и туризм) АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Нальчик – 2017.
4. Карчевская Е.Н. Развитие туристическая рекреационной деятельности в экологически проблемном регионе (по примеры Томельской области)// Пековский региональный журнал. №7.-Пеков:ПП.110-117 стр
5. Гринфельтд Е.С., Тельпово Н.О. Оценка историко-культурного потенциала муниципальных районов субъекта Российской Федерации (на примере Вологодской области) // Вестник науки и образования.-2007, №4-С.12-23.
6. Тағаев Б.А. Туристик салоҳият ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболлари (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод ва молия №5. 2015 йил.